

ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА KLOTHO ОКСИЛИНИНГ

АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Гадаев Абдигаффар Гадаевич¹,

Рахимова Матлюба Эшбаевна¹,

Сайидов Камолиддин Шахриддин ўғли¹

¹Ташкент давлат тиббиёт университети, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Джахон миқёсида буйраклар дисфункциясининг (БД) келиб чиқиши ва патогенезини чуқурроқ ўрганиш, унинг ривожланиш механизмида Klotho оқсилнинг тутган ўрнини аниқлашга қаратилган мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу оқсилнинг буйраклар функцияси ва қон-томир системасидаги ўрни муҳим ҳисобланади. Klotho оқсили микдорининг камайиши бу системалардаги патологик жарённи кучайтиради. Бу илмий ишда Klotho оқсили ва БД ривожланиши орасидаги узвий боғлиқлик ўрганилади.

Калит сўзлар: Klotho оқсили, ГК, БД, ЭКГ, ЭхоКГ, ТМИ, КФТ, СКД-EPI, Студент мезони, Пирсон корреляцион таҳлили, креатинин, ишончлилик даражаси.

Тадқиқотнинг мақсади. Klotho оқсилнинг кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ривожланадиган буйрак дисфункцияси (БД) ни гипертония касаллиги (ГК) мавжуд бўлган беморларда ўрганиш ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш.

Материал ва методлар. Тадқиқотимизга 169 нафар ГК мавжуд БД ривожланаётган беморларни жалб қилдик. Улардан эркаклар 97 нафар (57,40 %) ва аёллар 72 нафарни (42,60 %) ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши $63,09 \pm 0,65$ йилга тенг бўлди. Жалб қилинганлар ГК нинг босқичига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1- Гуруҳ: ГК II босқичли беморлар 76 нафар, улардан 53 таси эркаклар ва 21 таси аёллар.

2- Гуруҳ: ГК III босқичли беморлар 93 нафар, улардан 61 таси эркаклар ва 32 таси аёллар.

Ҳамма беморларимизда умумқабул қилинган физикал, лаборатор инструментал (ЭКГ, ЭхоКГ) текширишлар ўтказилди. Ортиқча тана вазни ва унинг даражалари, тана массасининг индекси (ТМИ) аниқланди. Қон зардоби таркибида Klotho оқсили микдори ва креатинин концентрацияси аниқланди. Коптокчалар филтрацияси тезлиги (КФТ) СКД-EPI (Chronic Kidney Disease Epidemiology Collaboration) формуласи бўйича ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон

корреляцион коэффисентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончлилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди. Ишончлилик даражаси $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Натижалар

ГК III босқич (2-гурух) БД ривожланаётган беморларда Klotho оксигени миқдори ($27,45 \pm 2,26$ нг/мл) ГК II босқич (1-гурух) БД ривожланаётган беморларга қараганда сезиларли даражада камайган ($45,95 \pm 1,56$ нг/мл, $p < 0,05$). Klotho оксигени даражаси қондаги креатинин концентрацияси билан манфий ($r = -0,78$), КФТ билан эса мусбат ($r = 0,88$) боғлиқлик намоён этди. Бундан кўринадики бу оксиген миқдорининг камайиши БД ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Артериал босим (АБ) ва Klotho оксигени орасида қайтар боғлиқлик ҳам мавжуд. Бу оксиген миқдори камайган 2-гурухда АБ кўрсаткичлари (систолик ва диастолик босим) 1-гурухга қараганда юқори бўлган. Бундан кўришимиз мумкинки оксиген вазопротектив таъсир хусусиятга эга ҳамда бу буйраклар функцияси ва қон-томир ўтказувчанлигининг йомонлашувига олиб келади.

Хулоса

ГК мавжуд бўлган беморларда Klotho оксигени миқдорининг камайиши БД ривожланишини тезлаштиради ва суранкали буйрак касаллигини (СБК) ривожлантиради. Бу маълумотлар ГК мавжуд беморларда БД эрта аниқланишида ҳамда унинг чуқурлашишида кучли сезувчанликка эга бўлган биомаркер эканлигидан далолат беради.